

Андалиб (Булбул) (асл исми Нурмухаммад Гариб; тахминан 1712—Урганч— 1780) — туркман шоири. Ўзбек ва туркман тилида ёзган. Хива мадрасаларида ўқиган. Андалиб мумтоз адабиётнинг газал, рубоий, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мувашшах ва бошқа жанрларида ижод қилган. Навоий, Ғолибий, Жомий газалларига мухаммаслар боғлаган. Шеърларида инсоннинг замон, ҳаёт билан муносабатлари акс этган. Халқ оғзаки ижодидан ғойдаланиб, хис-туйғуларни содда ва равшан ифодалашга эришган. 1200 мисрага яқин шеър ҳамда бир неча дostonлари бизгача етиб келган. «Лайли ва Мажнун», «Тохир ва Зухра», «Юсуф ва Зулайхо», «Зайн ул-араб», «Саъд Ваккос», «Бобо Равшан», «Маликаи Мехринигор», «Ўғизнома» каби дostonларида мумтоз дostonчиликнинг энг яхши хусусиятлари мужассамлашган. «Насимий» дostonида озар шоири Насимий ҳаёти ва ижоди акс этган. Машрабга таклидан ёзган шеърлари ўзбек ва туркман халқларининг севимли кўшиқпарига айланган. Андалиб асарларининг кўлёмалари ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади.

### ГАЗАЛ

\* \* \*

Эй рашки пари меҳри жамолинг не бало хўб,  
В-эй нилуфаридек кўша холинг не бало хўб.

Фикрингда бўлиб кўзларима жилва намоён,  
Хар соату хар лаҳза ҳаёлинг не бало хўб.

Лаълинг гамидин ташлади Хизр оби ҳаётин,  
Кавсар сувидек софи зулолинг не бало хўб.

Эй хур, юзингнинг бири ой, бириси кундек,  
Бу ою куёш узра хилолинг не бало хўб.

Бошдин оёкингдур очилон гулшани хўбий,  
Сар то қадами тоза ниҳолинг не бало хўб.

Ўлтурса кўзинг, икки лабинг лек берур жон,  
Жон бахшлигинг хўбу китолинг не бало хўб.

Боксам юзинга Андалибосо ажаб эрмас,  
Фуркатзада бўлгонга висолинг не бало хўб.

### МУХАММАСЛАР

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Ўнгумни тутса бало Хинддин Хисоргача,  
Карокчи тутса яна Коршудин Хузоргача,  
Сув олса йўлими то Балхдин Бухоргача,  
Хиротдин агар ўт тушса Сабзаворгача,  
Бўлай самандару тортан ўзумни ёргача.

Жахонда охим ўтидин шарора туш-тушдур,  
Ки рукъам хар бири элтурга номавар кушдур,  
Кўрубман они бу окшом, ўнгумму ё тушдур,  
Кўнгул доги бу ўт ичра йўлукса хам хуштур,  
Ки бўлса хамрахим ул сарви гулўзоргача.

Бало сипохи била дашти гамда от сурушуб,  
Фазойи мехнат аро бир-бирини охторушуб,  
Карору токати сабрим бирин-бирин урушуб,  
Жунун аро боришиб, гоҳу гоҳ кичкиришиб,  
Етишсак иккимиз ул тунд шахсуворгача.

Таним фирок ўтидин хастау куюк бўлса,  
Йўлимда турлу балолар сурук-сурук бўлса,  
Унгумга не келури кош билгулук бўлса,  
Эмас чу умр иши маълум, хар нечук бўлса,  
Ўзумни еткурайин ёр ўлон диёргача.

Фигонки, бўлмишам ўз шахри кишваримда гариб  
Кишим йўк они жанозамга килгали таргиб,  
Етушмагай манга шояд азобдин осиб,  
Чу кўй ичра мзоримга берсалар тартиб,  
Кадамни килса гахи ранжа ул мазоргача.

Бу кун сабо бу кўхан дайр аро топилмассан,  
Йўлинг махуфдурур кайтиб эмди келмассан,  
Хама фано йўлига борди, бокий колмассан,  
Эрур бахор ганимат, май ички, билмассан  
Ки дахр богида бўлгунг яна бахоргача.

Кел, Андалиби балокашга, сокиё, май бер;  
Килай ман они ичиб, жонинга дуо, май бер;  
Хумор хастасидурман, топай шифо, май бер,  
Навоиё, гамим ўлтурди, гамзудо, май бер,  
Йўк эрса бошла мани ёри гамгузоргача.

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Фарёдким, ман зорни ул гулъузур ўлтургуси,  
Катлимга боглаб тийги кийн, зори низор ўлтургуси,  
Кошу кўзунг, холу хатинг бегонавор ўлтургуси,  
Бир кун мани ул котили мажнуншиор ўлтургуси,  
Усрук чикиб, жавлон килнб, девонавор ўлтургуси,

Очмиш гули рухсорини ул комати наврастаким,  
Икки хилоли кошлари бир-бирини пайвастаким,  
Гисуларина бўлмишам ондин бери вобастаким,  
Ошик бўлурда билмадим мен нотавони хастаким,  
Хажр ўлса, гам куйдургуси, васл ўлса, ёр ўлтургуси.

Кирпикларини ўкларин боглаб коши ёсигаким,  
Билмон не деб раҳм айламас ман зори шайдосигаким,  
Кўнглум кушин банд айлади зулфи жалисосигаким,  
Майдон аро, эй ахли дин, кирманг тамошосигаким,  
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.

Жонимга роҳат еткурур лаълинг хаёли ўзгача,  
Учди жамолинг хажридин уйку кўзимдин бу кеча,  
Мумкин эмас жон сакламок ман нотавони тонггача,  
Лаълинг закоти май тутуб тиргузмасанг, эй мугбача,  
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.

Икки буноғўшидаги кокул очибдур оразин,  
Жон риштасидек мушкбў сунбул очибдур оразин,  
Бу Андалиби зорга билкулл очибдур оразин,  
Дерлар Навоий катлига гул-гул очибтур оразин,  
Кўргунча они, войким, юз хор-хор ўлтургуси.

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Ул паридин ўзгага телмурмагайсан, эй кўнгул,  
Айласа жавру ситам инжилмагайсан, эй кўнгул,  
Муддаийлар таънидин тортилмагайсан, эй кўнгул,  
Истасанг хажр ўтига ёкилмагайсан, эй кўнгул,  
Ёрдин зинхорким айрилмагайсан, эй кўнгул.

Орзу айларсан хардам ул шакар гуфторни,  
Комати сарву юзи гул, холи анбарборни,  
Окибат хижронида ўлтургуси сан зорни,  
Вах, не толеъдурки, топмай истаб умре ёрни,  
Чун сани ёр истагай топилмагайсан, эй кўнгул.

Базм аро ул махликодин гайри хавро бўлмасун,  
Балким ул Лайли билан Ширину Азро бўлмасун,

Фуркатида бистаринг жуз хору хоро бўлмасун,  
Буки кон ёшим десангким ошкоро бўлмасун,  
Майл этиб ёшлар сори котилмагайсан, эй кўнгул.

Фитналар солди жaxonга икки кофир кўзлари,  
Лек жон таъмин берур нутк этса ширин сўзлари,  
Сўрсалар, де хўбларда йўктур ондин илгари,  
Десалар Лайлиму ортик хусн аро ё ул пари,  
Гарчи мажнунсан, керак ёнгилмагайсан, эй кўнгул.

Айлади пар кошлари кавсу кузах хушингни махв,  
Ул мусаффо габгаби холи манах хушингни махв,  
Ё санинг девоналиг, ё бу фарах хушингни махв,  
Килди чун сокий лаби теккоч кадах хушнгни махв,  
То абад зинхорким ойилмагайсан, эй кўнгул.

Истабон бу гулситонда гулъузори оразин,  
Кўзларинг тортиб окорди интизори оразин,  
Умринг ўтди кўрмадинг бир лахза ёри оразин,  
Гунчасин гамдин вале сокий бахори оразин,  
Очса билмонким нетиб очилмагайсан, эй кўнгул,

Андалибо, бу махол андеша бирла моху сол,  
Ёр васлин фикр этиб кўрмак хаёлидур хаёл,  
Дайр пири хизматида килмайин касбу камол,  
Давлати бокий Навоийдек эрур топмок махол,  
То тамом ўзликни фоний килмагайсан, эй кўнгул.

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Хам кетурди коматим пайваста абрў келмади,  
Хатти мушкафшону холи анбаринбў келмади,  
Рўзгорим тийра килгон жаъди гисў келмади,  
Кеча келгумдур дебон ул сарву гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг откунча уйку келмади.

Чикгон эрмиш азми жавлон килголи ул шахсувор,  
Оразин кўрмак эрур икки кўзумга ифтихор,  
Ох найлайким бўлубдур ашк бирла пардадор,  
Лахза-лахза чиктиму чектим йўлида интизор,  
Келди жон огзимгау ул шўхи бадхў келмади.

Келса ул гул хирмани сухбат тутуб килсам нишот,  
Пардаи жонимни пойандоз этиб килсам бисот,  
Йўкса номус этти килмок мен гадога иртибот,  
Оразидек ойдин эрканда гар этти эхтиёт,

Рўзгоримдек хам ўлгонда коронгу, келмади.

Эй парилар шохи, бир журм ила ёзгурманг мени,  
Бу суубатлар била хар ёнга кездурманг мени,  
Келмишам уммид ила, навмид этиб сурманг мени,  
Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,  
Ким бори кон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Бели фикри кўлга кирмас, огзидек бўлмай адам,  
Тортибон хар дам риёзат, истамай дайру харам,  
Заъфаронзор оразинг кон ёшими килмай наам,  
Толиби содик топилмас, йўкса ким кўйди кадам  
йўлгаким, аввал кадам маъшука ўтру келмади.

Андалибо, нола айлаб бегам эт кўнглунг уйин,  
Жоми сахбодур денгиз, кўз байрам эт кўнглунг уйин,  
Етмасун осийб, харгиз махкам эт кўнглунг уйин,  
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким бода келган уйга кайгу келмади.

### **НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Хар субху шом телбараб оглормен яна  
Ул важхдинки толиби дийдормен яна,  
Гах сокини жафо, гах сайёрман яна,  
Хайхотким, бирав гамидин зормен яна,  
Фарёдким, балога гирифтормен яна.

Жонимни олди кошу кўзу ораз узра манг,  
Кўнглумни ёкди шуълаи хижрон бедаранг,  
Эй ахли дил, қачон бўлур ошикта ному нанг,  
Огзим куруб, дамим тутулиб секрасам не тонг,  
Ким телба чобуқимга жилавдормен яна.

Зоримни кимга десам учар хуш бошидин,  
Бир ўк кадалди сийнама пайваста қошидин,  
Фарёда келдилар хама нолам хорошидин,  
Хар кеча бир куёш гамидин гусса тошидин,  
Бошдин аёғ сипехрдек афгормен яна.

Гах водийи жунун аро мастона йўл тузуб,  
Ким телбараб фиғон ила, гах ёва кўргузуб,  
Май ичғали ридога солиб, бодани сузуб,  
Суфийи ақл савмаасин, шукрким, бузуб,  
Дорул-фанои ишқда хаммормен яна.

Туз, Андалиб, «Ирок»у «Хижоз» айлагил фигон,  
Гохи Нишовурига тебранар «Исфахон»,  
Шархи гамингни айлагил ушшок аро аён,  
Акл итти, хуш кетти, кўнгул куйди, чикди жон,  
Шукр эт, Навсиёки, сабукбормен яна.

### **ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Токи кўрдум чашми фаттонингдадур гаммозалар,  
Доглар кийдим юзинг шаънида юз андозалар,  
Рашк кожидин юзига урди махваш гозалар,  
Хар китобаким лаби лаълинг хадисин ёзалар,  
Риштаи жон бирла ишк ахли они шерозалар.

Мехмоним бўлдинг, эй дилбар, кўл урдум кисага,  
Кокулинг савдосидин нақдимни бермон насяга,  
Холи мушкининг килибдур рўзгоримни сиях,(?)  
Бу на сирдур сирри ишкинг демадим бир кимсага,  
Шахра душмушман сани севдум деюб овозалар.

Ошик ўлманг деб насихатлар кўб этти пири ишк,  
Найлайинким жону кўнглум бўлдилар тасхири ишк,  
Ман ўлар холатга етдим йўкмудур тадбири ишк,  
Чоклар кўксумда сонмангким очибдур тийри ишк,  
Кўнглуминг шахрина меҳринг кирмака дарвозалар.

Риндлар бирла килиб хар дам фигону арбада,  
Ахли олам бўлдилар фарёду ноламдин зада,  
Шукрлиллах, манзилу маъво бўлубдур майкада,  
Шайхлар майхонадин юз дўндурурлар масжида,  
Бетарикатларни кўрким тўгри йўлдин озалар.

Андалибосо чекиб хардам фигону замзама,  
Ул куёшнинг оразидин мунфаилдур меҳру мах,  
Бир куни бўлгай фирокингнинг висоли, гам ема,  
Эй Фузулий. ёр агар жавр этса андин инжима,  
Ёр жаври ошика хар дам мухаббат тозалар.

### **ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Фигонким, ул лаби майгун ичиб конимни конмазми?  
Хазин жонимга хардам зулму бедодин оёнмазми?  
Нниб шавк ўтина бошдин аёг жисмим тугонмазми?  
Бани жондин ўсондурди, жафодин ёр ўсонмазми?  
Фалаклар ёнди охимдин, муродим шамъи ёнмазми?

Бўлуб ул бут никобафкан, чекарман дардлиг шеван,  
Фалак сакфин килиб равзан, гизом андух, ерим гулхан,  
Ишим нола, тилим алкан, сўзим бўлгайму мустахсан,  
Гамим пинхон дутардим бан, дедилар ёра кил равшан,  
Десам ул бевафо, билман, инонурму инонмазми?

Чикибдур ул махитобон, жамолидин жахон рахшон,  
Кувон, эй кўз, гўнан эй жон, ичингда колмасун армон,  
Аландурма бўлуб хайрон, килибдур ваъдаи паймон,  
Каму беморина жонон давои дард этар эхсон,  
Нечук килмаз банго дармон, бани бемор сонмазми?

Кўзинг пур фитнаи жоду, газоли мушк анбарбў,  
Оторсен ўк камон абрў, килурман жоними кобу,  
Дурур кўнглум анго коршу, борур ашким бўлуб жў-жў  
Гули рухсоринга коршу, кўзумдин конлу окар су,  
Хабибим фасли гулдур бу, охир сулар бўлонмазми?

Фирокинда мани бедил, ишим мушкил уза мушкил,  
Тузубсан гайр ила махфил, ётибман хаста ою йил,  
Сари кўйинг килиб манзил, муродим бўлмади хосил,  
Дегилдим ман санго моил, сан этдинг аклими зоил,  
Банго таън айлаян гофил, сани кўргач ўтонмазми?

Чикиб ул номусулмоним килурга касди иймоним,  
Фалакда охи сўзоним, кўзимда ашки галтоним,  
Ичнмда дарди пинхоним, табибо, йўкму дармоним,  
Шаби хижрон ёнар жоним, дўкар кон чашми гирёним,  
Уётир халки афгоним, каро бахтим уёнмазми?

Жахонда тўла гавгодур фигони Андалибодур,  
На янглиг шўриш афзодур, тили васфингда гўёдур,  
Анго кўйингда маъводур, алимда жоми сахбодур,  
Фузулий ринди шайдодур, хамиша халка расводур,  
Кўрингким, бу на савдодур, бу савдодан ўсонмазми?

## **УБАЙДИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Кайси гулшаннинг кадингдек сарву хуш рафтори бор?  
Кайси гулнинг ул юзингдек оташин рухсори бор?  
Кайси дилбарнинг санингдек лаъли шаккар бори бор?  
Шукрким, махзун кўнгулнинг сен киби дилдори бор?  
Не гами бор ул кишинингким сенингдек ёри бор?

Лабларинг шавкида себу нок тердим олгали,  
Истауб бодому тарбог ичра бордим олгали,

Богбона олма келтур деб буюрдим олгали,  
Нори борин билмадим, шафтолу сўрдим олгали,  
Дедию: шафтолудин йўктур насибанг, нори бор.

Охким, хижрон балоси токатимни килди ток,  
Ўтлуг афгоним билан бўлди мунаввар нух равок,  
Жону жисмимни ёкиб, кул килди шиддатлиг фирок,  
Тушгали бошим неча айём ул гулдин йирок,  
Гунча янглиг кўнглум атрофида юз минг хори бор.

Кўзларингдек бог аро наргис кўзи шахло дегул,  
Сарв озоду санавбар коматингга бўлди кул,  
Оразингга огзин очиб гунча, хайрон колди гул,  
Кайси бир яхшилигин мендин сўрарсан, эй кўнгул,  
Хўблук асбобида хар неки дерсен — бори бор.

Ул парилар подшохи маснад узра ўлтуруб,  
Базм тузмиш, май ичиб, жоми мурассаъ тўлдуруб,  
Хизматида Андалибосо турубдур телмуруб,  
Бош кўюбдур остонига Убайдий, кул бўлуб,  
Бандадур онга, вале юз салтанатдин ори бор.

## МУСАММАН

Мубталоман, охким, бир рашки ризвон оллида,  
Юз бало, юз фитна бор, ул чашми фаттон оллида,  
Зор жисмим бўлди кон, бу нўги мижгон оллида,  
Тоб тушди коматимга зулфи чавгон оллида,  
Ўйнаса гўй этгумен бошимни галтон оллида,  
Поймол ўлмок керак бу шўхи жавлон оллида,  
Буду нобудум агар тенг бўлди жонон оллида,  
Зарраи йўк, бори тенгдур, мехри рахшон оллида.

Тийра килди субхим ул хуршиди тобон хажр аро.  
Солди гам чохига рашки мохи Канъон хажр аро,  
Оллох-оллох, мен киби йўктур паришон хажр аро,  
Ашку охим бўлди сарсар бирла тўфон хажр аро.  
Бу балолардин кутулмоклик не имкон хажр аро,  
Бахри ашкимдин сув олмиш абри найсон хажр аро,  
Кўзларимнинг чашмаси оллида Уммон хажр аро,  
Кўз биайних ўйладурким чашма Уммон оллида.

Боргали ул махлико, вахким, паришондур димог,  
Конга тўлди онсизин базм ичра мийноди аёг,  
Топмадим харгиз нишонин кў-бакў айлаб сўрог,

Мумкин эрмас бу суубатлар била топмок фарог,  
Зохир этти лаъли ёдида кўзим конлиг булог,  
Лола очти бог, гул очти бу янглиг кайси бог,  
Васл ичинда дўзах ўти бирла кўйгон тоза дог,  
Оташин гулдек гумон кил доги хижрон оллида.

Хажр шоми тинмай ўтлуг охлар чекдим далир,  
Уртаниб кул бўлди онинг тобидин мохи мунир,  
Кўзларим шўробаси оллида дарё чун гадир,  
Бири Жайхуни баширу бири Сайхуни назир,  
Бер манга хуснунг закотин хам гадомен, хам факир,  
Лутф этиб илким тутуб бўлсанг на бўлди дастгир,  
Эй мусулмонлар, не холатдурки ишк этмиш асир,  
Юз мусулмон хайлини бир номусулмон оллида.

Эй ажал, жоним олиб бергил манга сабру карор,  
Йўкса хижрон илкида кўйма мени зору низор,  
Васли хуршидин тилаб жисмим бўлубдур зарравор,  
Умредур безъ тимоду, жонга йўктур эътибор,  
Огзидек бўлдим адам, белини айлаб ихтиёр,  
Андалибо, кўйи жонон сори этсанг сен гузор,  
Эй Навоий, жон сабо оллида килгаймен нисор,  
Бу гадо холин деса, етганда султон оллида.